ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
290894

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# ТУРКИСТОН

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 10 август • Чоршанба • № 60 (14221) ترکستان * TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

## ТАДБИРКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЯДИ

9 август куни, Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари В.Чжен Марказий Осиё-Америка тадбиркорлик жамғармаси раиси Стефан Соларз бошчилигидаги ишбилармонлар билан учрашди.

Учрашувда республикада иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, жумладан, давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда саноатни ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Жаноб Стефан Соларз Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратилганини мамнуният билан қайд этар экан, шу сабабли Марказий Осиё-Америка тадбиркорлик жамғармаси ўзбек ишбилармонлари билан янада кенгроқ ҳамкорлик қилишга қарор қилганини таъкидлади.

Шу куни делегация аъзолари республика бош вазири ўринбосари Б.Ҳамидов билан ҳам учрашдилар.

Учрашувларда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк иштирок этди.

(ЎзА).

## ЭРОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ТОШКЕНТДА

9 август куни Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири доктор Али Акбар Вилоятий расмий ташриф билан мамлакатимиз пойтахтига келди.

Тошкент аэропортида мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов кутиб олди.

– Ташрифдан асосий мақсад – Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдан иборат, – деди А. Вилоятий мухбиримиз саволига жавобан. – Шунинг баробарида, Ўзбекистон давлати раҳбарлари, бошқа мутасадди вазирликлар раҳбарлари билан ўзаро манфаатли масалалар юзасидан, шунингдек, минтақавий ва халқаро мавзуларда ҳам ҳар томонлама фикрлашиб олмоқчимиз.

Кутиб олиш маросимида Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпоёгоний ҳозир бўлди.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Саидқосимов Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий билан учрашди.

Мулоқот чоғида вазирлар сўнгги йиллар ичида Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги азалий ҳамкорликни тиклаш йўлида самарали натижаларга эришилганини қайд этдилар. Айниқса Ўзбекистон Президентининг 1992 йили Эронга ва Эрон Президентининг 1993 йили Ўзбекистонга расмий ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш борасида муҳим омил бўлгани таъкидланди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари хусусида ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

### Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистонга ташрифим чоғида менга кўрсатилган меҳмондўстлик учун Сизга астойдил миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Сизнинг гўзал мамлакатингизда олиб борган музокараларим, шунингдек яҳудийлар мероси ҳам ўзига хос из қолдирган қадимий Самарқандга унутилмас ташрифим халқларимиз ва мамлакатларимиз муштарак манфаатларга эга эканлигини кўрсатди. Самимий суҳбатларимиз мобайнида Ўзбекистонни ривожлантириш учун Сиз танлаган йўлни юксак баҳолаш имконига эга бўлдим. Айни шундай ёндашув XXI аср бўсағасида мамлакатингизнинг ҳар томонлама равнақига ёрдам беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун бундан буён ҳам саъй-ҳаракатимни аямайман. Бу ҳамкорлик Сиз билан муҳокама қилган соҳаларда амалга оширилади. Энг аввало бу – қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорликдир. Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, халқларимиз фаровонлиги йўлида кўпгина ишлар қилиниши зарур ва мен ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Жаноби олийлари, мени ва делегациямиз аъзоларини самимий қабул қилганингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор қилмоқчиман. Музокараларимиз тез орада яна давом эттирилади, деб умид қиламан.

**Самимият билан Шимон Перес,**
**Исроил ташқи ишлар вазири.**

## ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

6 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Яқинда Республика Президенти Ислом Каримов ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари қандай бораётгани билан танишиб, халқимиз ҳаётидаги буюк байрамни ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган, бу борада тегишли йўл-йўриқлар берган эди. Йиғилишда улар қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди. Тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг ана шу хусусдаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда қутлуғ байрамга пухта ҳозирлик кўриш, айниқса, кенг кўламли ободончилик юмушларини вақтида амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

[ЎзА].

## БИРОВНИНГ АРАВАСИ

Истиқлолнинг уч йиллиги арафасида турибмиз. Давлат мустақиллигини эълон қилган мамлакатимиз ҳали ёш. Унинг тетапоя даврадаги дадил ва озод одимларига ҳавасла нигоҳ ташлаётганлар қаторида қоқилишига интиғу-зор бўлиб турганлар ҳам йўқ эмас. Уч йилда босиб ўтилган йўл қисқа бўлишига қарамасдан, самараси салмоқли бўлди. Шу боисдан ҳам ғаразли кимсаларнинг ичини ит тирнайди. Ахир, эркин қадам ташлаш чоғида кўзимиз очилди — ҳар биримизнинг вужудимизни қамраб олган ҳадиксираш, журъатсизлик ўрнини миллий ғурур, ватандан фахрланиш, келажакка ишонч ҳиссиётлари эгалади. Биз бугун дунё таниган, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган, ўз байроғи, герби, давлат мадҳияси, конституцияси, миллий пули, қуролли кучлари, давлат чегараси бўлган катта мамлакат фуқаросимиз. Атиги уч йил аввал эса, буларнинг барчаси ҳаммамиз учун фақат орзу, хаёл эди.

Уч йил... унинг ҳар куни, ҳар дақиқасида Ўзбекистон қандай қадам ташлаётгани-ю, нималарга эришаётганидан дунё халқлари огоҳ. Юзлаб давлатлар қучоғини катта очди бизга. Биз ҳам бағримизга босамиз, ардоқлаймиз уларни. Аммо (бегонаку бегона!) Ўз қавмларинг орасида қувониш ўрнига тўмсайиб турганларга кўзинг тушганда, баъзилари ҳатто ўз ватани, ватандошларига маломат тошлари отаётганида виждонлари қийналмасмикан деган савол хаёлга толдирар экан кишини. Жаҳон матбуотида чоп этилаётган айрим мақолаларни ўқиганда ва айниқса "Озодлик" радиосининг ўзбек тилидаги эшиттиришларини тинглаганда худди шундай ўй-фикрлар кўп қийнайди бизни. Тан оламиз, "Озодлик"нинг империя ва қуллик даврида ҳурлик йўлидаги меҳнатлари оз эмас. Жон қулоғимиз билан эшитганмиз унинг хабарларини ўша даврда. Мустақиллик кунига етиш насиб этса, ҳамкасбларимиз бебаҳо бахтимиздан суюнадилар, ёнимизда бўладилар деган ширин умидда эдик. Толеимиз кулиб, бошимизга Ҳумо қуши қўниганидан кейин эса...

Дастлабки пайтларда Мюнхендаги ҳамкасбларимиз олисда бўлганлари учун Ўзбекистондаги воқеаларни тўғри тасаввур қилолмаётган бўлсалар керак, деган фикрда эдик. Вақт ўтади, улар мамлакатимизга келадилар, кўрадилар, ҳаммаси оқилона ечимини топади деб ўзимизни овутдик. Келдилар, кўрдилар, танишдилар, биз билан дўстона мулоқотда бўлдилар, "ажойиб ўзгаришлар бошланибди!" дея ҳаяжонландилар. Олмонияга қайтиб борганларидан кейин эса, яна эски ашулаларини айтавергач, ҳайратдан ёқа ушладик. Улар қаерда Ўзбекистонга қарши сўз айтилса, шу қадар тез илғаб, эфирга олиб чиқадиларки, ҳайрон қолмай иложинг йўқ. Энг ачинарлиси шундаки мамлакатимиз ҳаётидан бехабар одам "Озодлик"ни эшитиб борса, ваҳимадан лабига учуқлар тошиши ҳеч гапмас: Ўзбекистонда тартиб йўқ, кўчалар ўғри-каззобларга тўлиб-тошган — кун ботмай ҳамма уйига қамалиб, эшикларини танбалаб олади, ўзбекдан бошқа миллатга мансуб кишиларга кун йўқ, ҳамма кўчиб кетмоқда...

"Ҳой, биродарлар, инсофингиз борми! — дея ҳайқиргинг келади беихтиёр. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги арафасида мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий вазиятни бир томонлама баҳолаш яна ҳам кучайди. Радиостанция эшиттиришларини тинглаган киши таҳририят "Озодлик" радиоси ҳеч бир сиёсий партия ёки хориждаги ташкилот билан алоқада эмас ва ўзининг эшиттиришларини ҳеч қандай оппозиция, сиёсий партия ёки ташкилотга боғлиқ деб билмайди" деган принципга хиёнат қилиб, айрим аламзадалар хизматига ўтган бўлса керак, деб хулоса чиқаради.

Радиостанция минбари гап сотишу ўз юртидан камчилик топишдан ўзга ишга ярамайдиган уч-тўрт киши ва уларни қўллаб-қувватловчи айрим "ватан фидойилари" ихтиёрига бериб қўйилгани ҳам фикримизнинг исботидир. Улар кунда-кунора эфирга чиқиб, "Ўзбекистонда демократия йўқ" дея зорланишади. Президент қўйган ҳар бир қадамни, ҳукумат қабул қилган ҳар бир қарорни фақат қоралашади. Қизиғи шундаки, ана шу уч-тўрт "ватан фидойси" гоҳ ўзбек тилидаги, гоҳ рус тилидаги эшиттиришларга таклиф қилинади. Афтидан "Озодлик" радиоси ўзининг эскирган ғоясига содиқ қолиб, парчаланган СССР ҳудудида таркиб топган мустақил давлатлардаги, жумладан, Ўзбекистондаги сиёсий вазиятга ўзини маблағ билан таъминлаб турган идора манфаатидан келиб чиқиб таъсир кўрсатишга астойдил аҳдпаймон қилган кўринади.

Яқинда мазкур радиода ўзини самарқандлик Алибой Йўляхшиев деб атаган "сиёсий арбоб"нинг "фалсафий мулоҳаза"лари берилди. Бу арбоб ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай 22 миллион нафар Ўзбекистон аҳолисини онгсиз, ҳиссиз мақсадсиз дея камситди, ўзини эса ҳақиқий ватанпарвар қилиб кўрсатишдан уялмади.

"Маълумки, Ўзбекистон узоқ муддат мустамлака шароитида қолиб кетди. Шунинг натижасида халқда қуллик хусусияти жуда чуқур илдиз отган. У ғояни, мафкурани тушунмайди деса бўлади. Бу халқ ҳукуматдан қўрқишни билади, яшаб қолишга интилиш хусусияти кучли. Шунинг учун бу халқни маънавияти, қадрият, мафкура, ғоя каби тушунчалар унча қизиқтирмайди. Уни яшаб қолиш, очликдан сақланиб қолиш ҳисси қизиқтиради холос," — дейди у.

Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма, дейдилар. "Аслида маънавият ҳисси ва қадриятлари ўз ўрнига қўйилган эркин, озод инсоннинг нони ҳамиша бутун бўлишини Ўзбекистон халқи ҳали яхши тушуниб етмайди, — дея давом этади "арбоб". Шу сабабли ҳозир ким кўп овқат ваъда қилса, ўшани доҳий ҳам, пайғамбар ҳам дейверади. Уни ҳатто худо деб юборишлари ҳам мумкин. Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда жамият тузилмаган деса бўлади. У ерда фақат советлар империясидан қолган партиявий хўжайинлар гуруҳи, қорин тўйдиришдан бошқа ғами йўқ хизматчилар мавжуд холос. Уларнинг биронтаси ҳам мафкура, ғоя нималигини тушунмайди. Масалан, бизда ўғил отани бемалол алдайверади. Ака-ука, қариндош-уруғ, диндош, ватандош тушунчалари ва уларнинг бир-бирига содиқлиги, меҳрибонлиги кўпчилигимиз учун кулгили бир ҳол".

Ўзининг маҳдуд фикрини халқига ёпиштириб, ким овқат берса, шунинг сўзини сўзлаб, уларга хизмат қилаётган мунофиқ зотлардан худо асрасин.

Энди "файласуф"нинг хулосасини эшитинг: "кўпчилигимиз учун бугун муқаддас ғоя йўқ. Муқаддас маъбуд йўқ".

Ажабо! "Озодлик"нинг ўзбек шуъбасидаги биродарларимиз Йўляхшиевнинг ноласини қандай миллий ҳиссиётлар оғушида тинглашди экан?! Ҳатто, мустамлака йилларида ҳам оллоҳга имон келтириш, исломга ва ватанга эътиқод, ота-онага ва миллий Маънавиятга эътиқод ўзбек халқи учун муқаддас бўлиб келганини наҳотки улар билишмаса? Империя хукмронлиги даврида минглаб, юз минглаб миллатдошларимиз ана шу муқаддас ғоялар йўлида курашдилар, қурбон бўлдилар. Ватан туйғуси кейинги уч йилда ўзбек халқининг юрагига куч қудрат, беадоқ шукуҳ бахш этди. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилаётган ҳар бир қадам, аввало, ана шу муқаддас туйғуларнинг юксаклишига хизмат қилмоқда.

Турмуш тарзимизни ҳамон коммунизм мафкураси мезони билан ўлчаётганлар бундан атиги уч йил аввал Ўзбекистонда Амир Темурни улуғлаш, Мунаввар Қорининг номини тилга олиш, Турон тарихини тўғри ўрганиш, номоз ўқиш, рўза тутиш, хажга бориш, рамазон ва қурбон ҳайитларни нишонлаш, ёшларнинг мачитга бориб никоҳдан ўтишлари, миллий ғурур ва маънавият ҳақида гапириш қандай нохуш оқибатларга олиб келишини яхши билишарди-ку!

"Ўзбекистон ғоясиз, мафкурасиз йўлдан бораяпти", деб сафсата сотаётганлар юртбошимизнинг Олий Кенгаш XV сессиясида айтган қуйидаги сўзларини эслашса, ўзларига фойда бўларди. "Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳд қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Ўзбекистонда миллий, шарқона маънавиятга таянган мафкура яратилмоқда. 70 йиллик коммунистик ғоя билан йўғрилган мафкура илдизларини таг-туги билан қўпориб ташлаш айтишгагина осон. Уч йилдан буён ана шу ғояларга қарши олиб борилаётган кескин кураш ҳам буни исботлаб турибди. Уюшган жиноятчилик, коррупция, порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатларни шахсан мамлакат Президентининг ўзи очиб ташлаётгани, фош этилганлар беаёв жазоланаётгани барчага аён-ку! Шаҳарлардаги осойишта ҳаёт, далалардаги қайноқ меҳнат, одамлар кўнглидаги хотиржамлик ана шу ҳаракатларнинг натижаси эмасми? Ҳар ҳолда "Озодлик"дай нуфузли ахборот воситаси аламзада кишиларни "сайратиб" қўйишдан аввал бутун бир миллат, халқ тақдири билан алоқадор масалаларга кўпроқ эътибор берса фойдали бўларди. Миллатчи Жириновский неча ойлар давомида Ўзбекистонга, Ўрта Осиё халқларига бетўхтов маломат тошларини отди. Энди эса жаноб Александр Солженицин сурбетларча алаҳсирамоқда. Аллақандай даъволарни ўртага ташлаб, халқлар орасига, давлатлар орасига нифоқ уруғини сепмоқда. "Озодлик"даги биродарлар ҳақиқий жонкуяр бўлсалар бундай "доҳий"ларга муносабат билдирсалар бўларди. Бироқ, улар йирик муаммолар ҳақида сўзлаш ўрнига, Ўзбекистонда бирор гўдак дарахтдан йиқилиб тушса, ўзбекнинг ҳамма боласи майиб бўлиб қолди, дея аюҳаннос солишлари ҳеч гапмас.

Жаноб Йўляхшиевнинг уч кун мобайнида "Озодлик" тўлқинлари орқали жавраши ҳам айнан шундай фикр туғдиради кишида. Эмишки, республикада бугун оммавий ахборот воситалари кишилардаги бефарқлик психологиясини чуқурлаштиришни тарғиб қилармиш, Ўзбекистон фуқароларининг кўпчилиги миллийлик нима, миллий маданият нима, миллий қадрият нималигини фарқлай олмас, маданиятсиз, тарбиясиз кишилар бўлганимиздан каттаю-кичигимиз, амалдору-оддий кишимиз бемалол ўғрилик билан шуғулланаётган эмишмиз; мактабларимизда эса ҳамон коммунистик давр дарсликларидан тўла фойдаланаётган эмиш...

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларидан мутлақо бехабар, ўз қавмлари қадрини ерпарчин қилишдан ҳаловат олувчи, мактаб ҳаётидан узоқ аламзада кишиларгина шундай сўзлаши мумкин. Бировнинг аравасига тушиб қолганлар ҳам шундай бахтиқароликка дучор бўладилар. Аравага ўтиргандан кейин эгасининг гапига кирмай ҳам кўр-чи! Халқимиз "кимнинг аравасига тушсанг, ўшанинг ашуласини айтасан", деганда ана шундай кимсаларни назарда тутган. Бир пайтлар ўзини тузуккина шоир санаб юрган юртдошларимиздан бири ҳам Йўляхшиевга ўхшаб ўзгалар аравасига тушиб қолган. Қарамлик даврида Ўзбекистон тезроқ империя асоратидан қутулишини орзу қилган бу ака истиқлолга эришганимиздан кейин, негадир суюниш ўрнига, иғвогарлар таржимонига айланиб қолди. У Россия матбуотида Ўзбекистон ҳақида қандай бўҳтонлар, миш-мишлар, сиёсий иғвогарлик мақсадидаги шарҳлар, "башорат"лар, тахминлар чиқса, уларни зудлик билан "Озодлик"ка таржима қилиб бермоқда.

Ажабланарлиси яна шундаки, "Озодлик"нинг "рус матбуоти садолари" деган рукни тўлиқ ана шу таржимон ихтиёрида. Мана бир мисол. Бундан ўн йил аввал Тошкентда яшаган Екатерина Бухарская деган журналист шу йил март ойида Тошкентга саёҳат қилибди. У саёҳатдан қайтгач, ўз таассуротларини "Утро России" газетасида чоп эттиради. Таржимон эса уни дарҳол "Озодлик"ка етказади. "Бир вақтлар Тошкентда ҳам шовқин-сурон кўп бўларди, — дейилади мақолада. — Ҳозир кечқурун соат 6 дан кейин шаҳарда ҳаракат тўхтагандек туюлади. Чунки, ишдан кейин ҳамма уй-уйига чопади, қонли ҳодисалар ҳақида эшитмаган бўлса ҳам Тошкент аҳолиси кечаси уйидан чиқмай ўтиришни маъқул кўради. Ўзбекистон газеталари эса ҳар хил қонли ҳодисалар ҳақида Москва газеталари каби ёзавермайди. Шаҳар фақат дам олиш кунлари жонланади. Эрталаб кўчага чиқиб бир нарсани сездим. Илгарилари яхши кийинишни хуш кўрадиган тошкентликлар ҳозир оддийгина кийинишади. Кўринишидан эскиларини кийиб тугатишаётибди... Одамларнинг чеҳраси қайғули, ташвишли бўлиб кўринади".

Бу жумлаларни эшитиб, кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан киши. Екатерина Бухарская Тошкентга ғаразли ниятда қийшиқ кўзгу билан келганику аниқ, бироқ "Озодлик"даги ҳамкасбларчи. Улар Тошкентда бўлишганда шаҳарнинг гавжум кўчаларини бир эмас, бир неча бор кезишганини яхши биламизку?

Мақоланинг давоми янада ваҳимали, иғвогарона; "Тошкентда Оврўпаликларни кам учратасиз. Тошкент яқин кунларда интернационал шаҳар бўлмай қоладиганга ўхшайди. Ҳозир Тошкентдан ҳамма греклар, немислар, яҳудийлар кўчиб кетган. Ўзбекистондаги нотинч ҳолатдан чўчиган руслар ҳам кетиш тараддудида"...

Ана холос. Ахир, Ўзбекистондаги турли миллат вакиллари собиқ СССРдаги энг тинч, осойишта жой Ўзбекистон дейишмоқдаку! Ҳатто, шоша-пиша жўнаб қолган кишилар кўч-кўронини орқалаб, яна қайтиб келяпти. Бунга мисоллар оз эмас.

Ҳозир Ўзбекистон радиосида рус, яҳудий, тожик, қозоқ, татар, корейс, грек миллатига мансуб журналистлар ишлайди. Екатерина Бухарскаянинг мақоласи ўқилганидан сўнг бу ҳамкасбларимиз хафа бўлишди, "ахир бу ғирт туҳматку, дейишди. Эҳтимол, "Озодлик"дагилар бунга муаллиф жавоб беради, биз фақат таржимасини бердик, деб ўзларини овутишар. Лекин виждон азобичи? Ўз ватанини обрўсизлантириш ўзбекка хосми?

Ватанимизга, халқимизга туҳмат қилаётган, Россия газеталари тўқиб чиқараётган дийдиёларни ҳеч жирканмай ўзбек тилига таржима қилиб эфирга бераётганларга ардоқли шоиримиз Абдулла Орифнинг қуйидаги сатрлари билан жавоб берса бўлади:

О, халқим, очиқ кўнгил - ҳотамсан азал,
Атойи худо де майли меҳмонни.
Лекин нонкўрларни учратган маҳал
Оғзига тиқ энди типратиконни.

"Озодлик"нинг "мактублар" деган дастури бор. Илгари бу дастурни муҳтарам Темир Хўжа олиб борар эди. Ҳозир бу вазифани Азизулло Орол уддалаётир. Тан бериш керак, чиройли гапиради. Овози эфирга яхши тушади. Унинг талаффузида шевага дахлдор нуқсонлар йўқ. Айтишларича, Азизулло Орол Тошкентда таҳсил олган экан. Мактубларни чиройли ўқийдиган яна бир касбдошимиз Дилдора Музаффарийдир. У тошкентлик. Тақдир уни Олмонияга ташлаганидан хабардормиз. Буларни таништириб ўтишимизнинг боиси шундаки, улар баъзан касб одобига амал қилмай, мактубларни танлаб эфирга тайёрлашдек нозик ишга бир томонлама ёндошадилар.

Фактларга мурожаат қилайлик. Бир ой чамаси олдин "озодлик"дан ҳозир Данияда дайдиб юрган Ольга ва Юрий деган (агар шундай одамлар чиндан ҳам бор бўлса) кимсаларнинг хати ўқилди. Хатнинг мазмуни бундай: бу кимсалар рус бўлганликлари учун ҳам Ўзбекистондан қувғин қилинганмиш. Умуман, бизда русларга ишлаш ва яшаш учун имкон йўқмиш. Оля ва Юрага ўхшаганларнинг инсоний ҳуқуқлари поймол қилинаётганмиш...

Эҳтимол бу хатни рус бўлимидагилар ташкил қилиб, ўзбек тилида берилишига эришгандирлар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз Ўзбекистонда яшаб туриб, биронта рус ёки бошқа миллат кишиси қувғин қилинганини билмаймиз. Ўзбек биродарларимиз ўйламай-нетмай шундай хатларни мароқ билан ўқиётганликларини қандай баҳолашни билмай қолдик. "Озодлик"дагилар хат танлашда асосан бир мезонга амал қиладилар, чамаси. Муҳими хатда Ўзбекистоннинг авра-астари ағдарилган бўлиши керак. Мана бишкеклик Шоистахон Шарафиддинова исмли аёлнинг хати. Уни Дилдорахон фахр билан ўқийди: "Ҳурматли "Озодлик" редакцияси ходимлари, сизларга кўпдан-кўп раҳмат. Чунки "Озодлик" эшиттиришлари халқ руҳига ҳамоҳанг ва бугунги кунда ягона эркин фикр алмашув минбари ҳамдир. Мен ҳам "Озодлик" орқали бир оддий тингловчи сифатида Ўзбекистон сиёсий аҳволига ўз қарашимни билдирсам". Шундан кейин хат муаллифи Ўзбекистоннинг пахта сиёсатини қоралаб дейди: "бу ўз халқига қарши бўлган геноцидлиқдир. Бу — аччиқ ва даҳшатли ҳақиқат. Лекин пахта яккаҳокимлиги, ўзбек халқига қилинган геноцидда нафақат раҳбарият ва тузум, балки ўзбек зиёлиларининг номардларча тутган бетарафлик позицияси айблидир... Мен ўзбек зиёлиларига шундай савол бергим келади. Қайси халқнинг аёллари ўз-ўзига ўт қўйиш даражасига бориб етди? Қайси халқнинг денгизи қуриди! Қайси бир халқнинг деҳқони ярим оч ҳолда кун кечиради? Нега бир бой ва гўзал тил соҳиблари бўлмиш ўзбек адиблари бирон кўзга кўринадиган бадиий асар ярата олмайдилар?

Пахта яккаҳокимлигига қарши Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсатни халқимиз яхши билади: Аёллар орасида ўз-ўзига ўт қўйиш масаласида бир фактни эслатмоқчимиз. Рус газеталарининг ёзишига қараганда, аёлларнинг ўзига ўт қўйиши ва умуман ўзини ўлдириши борасида Оврупадаги баъзи давлатлар ҳамда Россиянинг айрим вилоятлари дунёда етакчи ўринга чиқиб олибди. Орол денгизини эса ўзбек халқи эмас, совет тузуми қуритди. Деҳқонларимиз очмиялангочми, буни Ўш билан Фарғона, Жалолобод билан Андижон, Норин билан Наманган, Бишкек билан Тошкент бозорларини тўлдириб ўтирган, қишлоқларда ёнма-ён яшаб, бир дарёдан сув ичиб, бир яйловда мол боқаётган юртдошлар яхши билишади. Ўзбек ёзувчилари биронта дуруст бадиий асар ярата олмаяпти, деган даъвони айтиш учун эса аввало адабиёт билан таниш бўлиш керак. Бу опамиз ўзбек адабиётини яхши билмаса, ўзбек адиблари айбдор эмасу!

"Озодлик" радиоси Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларини танқид қилишни ҳам жуда ёқтиради. Шу мақсадда хатлардан, хорижий матбуотда босилган шарҳлардан, турли комиссияларнинг хулосаларидан, ижтимоий тадқиқотлардан ғоят самарали фойдаланади.

Яқинда Москвада истиқомат қилувчи Абдурасул Юсуфий деган зотнинг мактуби ўқилди. Мактуб муаллифи республика журналистларини эътиқодсизликда айблар экан, "Россия матбуоти саҳифалари"ни ўзбекчага таржима қилиб, "Озодлик" орқали тарғиб қилаётган шоир Ёдгор Обидни ўзбекнинг миллий уруғи ва ифтихори баланд ўғлони, деб таърифлайди. Ажабо, ҳаётимиз, миллий қадриятларимиз, турмуш тарзимиз камситилган, раҳбариятнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги барча ҳаракатлари бузиб талқин қилинган мақолаларни таржима қилиш қачондан бўён ўзбек учун миллий ғурур ва ифтихор тимсоли бўлиб қолди?

Ўтган уч йил давомида хорижий матбуот, шу жумладан "Озодлик" радиоси, айрим сиёсат арбоблари ва тадқиқот марказлари, турли партия ва ҳаракатлар раҳбарлари, "катта оға"ликдан маҳрум бўлганлар ва оддий вайсақилар Ўзбекистон ҳақида не-не башоратлар қилишмади. Ғанимлар олдин Фарғона ва Қўқонда, сўнгра Ўзган ва Ўшда юз берган хунрезлик Ўзбекистонга, бутун Осиёга тарқалишига йўл қўйилмаганидан афсусланиб, ичларини ит тимдалади. Ўзбекистонни уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик емиради, улар хонликларга бўлиниб кетади дедилар. Натижа чиқмади.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат, маҳаллий аҳоли билан кам сонли аҳоли ўртасида низо чиқади, шунинг учун руслар, немислар, корейслар, яҳудийлар ва бошқа камситилаётган оз сонли халқлар қуролланиши керак, дейишди ғаразгўйлик билан. Натижа чиқмади.

Ўзбекистон иқтисодий инқироз бўсағасида, эрта-индин бу боқиманда республика ўйламай қўйилган қадам — мустақилликнинг аччиқ сабоғини татиб кўради, деб чиранишди. Яна натижа йўқ.

Бу "башорат" ҳам пуч бўлиб чиққач, "Озодлик"дагилар Ўзбекистон қайси йўлдан боради, деган "масала" атрофида баҳс бошлаб юборишди. Аввал ислом фундаментализми, миллий коммунизм, шўролар тузумига қайтиш, эронча ривожланиш, хитойча ислоҳот рўкач қилинди. Кейин Ўзбекистонни гоҳ у, гоҳ бу ёққа оғиб кетишда гумонсирадилар... бугун ҳаммаси ойдинлашди — Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан боряпти. Бу йўл бирор давлатдан андоза кўчирмай, тараққий этган давлатлардаги энг яхши андозаларни ўрганиб, маъқул жиҳатларини маҳаллий шарт-шароитлар ва тарихий тараққиёт қонуниятларидан келиб чиқиб қўллаш йўлидир. Энди унга ёрдам бериш, у билан ҳамкорлик қилиш, ҳеч бўлмаса, фисқи фасод қилавермай, тинч қўйиш зарур!

Биз "Озодлик" радиоси ўзбек шуъбасининг айрим ходимларини танийимиз, айримлари билан мулоқотда бўлганмиз, баъзиларининг Ўзбекистон ҳақидаги фикрларини эшитганмиз. Муҳтарам Ёқуб Туроннинг ватан озодлиги, миллат шаъни ҳақидаги жўшқин сўзларини эшитганмиз. Туркистонлик Жомбой ўзини шу юртнинг фарзанди деб билади. У радиомиз биносида Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларини мамнуният билан сўзлаб берган. Яқинда Ўзбекистонда "Озодлик" радиосининг яна бир етакчи ходими — Анваржон меҳмон бўлди. Камтарин, мулоҳазали, илтифотли бу йигит билан узоқ суҳбатлашдик. Биз унга "рус матбуоти садолари" дастури ҳақидаги ўз фикримизни айтдик, баъзи эшиттиришлардаги ноаниқликлар, бир ёқламаликлар ҳақида гапирдик. Ўзбекистондаги сиёсий-иқтисодий вазият ва Президентимизнинг ташаббуслари ҳақида маълумот бердик — бизнингча, у фикримизни тушуниб қабул қилди. Анваржон Ўзбекистонга, айниқса, Самарқанд ва Бухорога қилган сафаридан битмас-туганмас таассуротлар билан қайтди.

Ўзбекистон ҳаммамизнинг юртимиз, барча туркистонликларнинг ватани, сиёсий гуруҳбозлик, ижтимоий тарқоқлик, эътиқодсизлик ва мунофиқлик ватан келажагига зиён етказади. Агар эсингизда бўлса, 1991 йилнинг сентябрь ойида дунёдаги миллионлаб туркистонликлар Ўзбекистондаги юртдошлари билан истиқлол қувончини баҳам кўраётган кунларда Тошкентда ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашуви бўлиб ўтган эди. Ўша учрашувда ҳаммамизнинг дилимиздаги эзгу ниятлар ифодаланган бир ҳужжат қабул қилинди. Мақоламиз охирида ана шу ҳужжатдан бир парча келтириб ўтмоқчимиз. Зора ундаги фикрлар яширин сиёсий мақсадларга хизмат қиладиган қийшиқ кўзгуларнинг чил-чил синишига сабаб бўлса. "Аждодларимиз орзу қилиб етолмаган мустақиллик бугун бизларга насиб қилган экан, қаерда яшашимиздан қатъий назар, мустақилликнинг бундан буёнги тақдири учун жавобгарлик маъсулияти зиммамизда турганини унутмаймиз", — дейилади мазкур анжуман қатнашчиларининг мурожаатида. — Эрксевар миллатимизнинг тақдири, авлодларимизнинг бахти келажаги ҳал бўлаётган айни шу тарихий кунларда Ўзбекистондаги, бошқа жумҳуриятлардаги, хорижий мамлакатлардаги ватандошларимизни ҳар қачонгидан ҳам ҳушёр, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга даъват қиламиз. Агар мустақиллик азалий ва асосий мақсадимиз бўлса, айни пайтда мухолифлик заминида турган барча сиёсий фирқалар, мужоҳидлик кайфиятидаги барча кучларни даъволардан кечишга, мустақиллик байроғи остида муросага келишга чақирамиз. Акс ҳолда мустақиллик қуруқ гап бўлиб қолаверади, ўзларимиз эса аввалгидек табиатимизга, имонимизга зид маккор сиёсат қурбони бўлаверамиз".

**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ депутати, давлат телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари.**

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистон радиоси бош директорининг ўринбосари.**

Бугуннинг гапи

# ЭҲ, ЁШЛАР, ЁШЛАР!

- **Муддати ўтган дори-дармон.**
- **Инсофсизлик билан топилган пул буюрмайди.**
- **Нафсни ўлик тутиб, руҳни ардоқлаб...**

Сарлавҳани ўқигач, айрим ёшларимизнинг пешонаси тиришиб: "Хўш, яна нима гап экан?" — деган ўй-фикрларга боришлари, шубҳасиз. Маълумки, тилга олинаётган ҳар бир мавзу ўз-ўзидан яралмайди. У шундоққина атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар замирида дунёга келади.

Айтмоқчи, мен барча ёшларимизни камситиш фикридан йироқман. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида Президентимизнинг ёшлар бугуни ва эртаси ҳақида айтган сўзларини бир эслайлик. Чиндан ҳам бизда ориятли, инсофли, иймонли ва диёнатли ёш-яланглар кам эмас. Аммо гуручнинг орасида курмаги бўлганидек, баъзида ...

Ишбилармонлик, тадбиркорлик нима?!

У эл-юртга садоқат, ҳалоллик ва жонкуярлик фазилатларининг намойиши эмасми? Менимча, шундай. Аммо, баъзи бир ишбилармон, тадбиркорларнинг бозорда ўзларини тутишларини кўриб ҳайратланасан, киши. Назаримда, кечагина эгатларга сочилган болалик бугун бозорларга сочилаётгандек.

Ҳаёт энг азиз нарса. Уни бирор-бир бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Жони оғриган, саломатлигини йўқотган киши буни чуқуррок англаб оларкан. Шундай кишилар соғлиқларини тиклаб олиш учун ҳеч нарсани аяшмайди.

Лекин ҳозирги дори-дармон тақчиллигидан баъзи бир дорифурушлар "тижоратчи" ниқоби остида бундан усталик билан фойдаланмоқдалар. Бу сир эмас, албатта. Улар дориларни бир неча баравар қимматга сотаётганликлари чин ҳақиқат. Айрим ҳолларда муддати ўтган дори-дармонлар ҳам сотилаётгани ёхуд ёрлиғида кўрсатилган дорилар ўрнига бошқаси берилаётганлиги ҳам ҳақиқат.

Яқинда бозор пештахталаридан бирига "ин" қуриб олган бир тўда дорифуруш ёшлар билан нуроний отахоннинг баҳслашаётганлигининг устидан чиқиб қолдим.

— Ўғлим, йўқ дема, 3-4 минг камига бера қол шу савил қолгурингни.

— Бобой, бўлмайди, деб айтдим-ку, сизга. Ҳозир "ади-бади" айтадиган замон эмас.

— Ахир дуо қиламан, болам.

— Ҳамма нарса пул билан ўлчанганда дуога ҳожат борми?!

— Дорини олиб бормасам кампиримнинг ҳоли не кечади? У касалхонада. Йўлимга кўзи тўрт бўлиб тургандир. Сағал юмшасанг бўлармиди?

— Ўзи сиз билан қайси тилда гаплашиш керак?! Роса "надаел" қилдингиз-ку!

Тоқатим тоқ бўлиб, суҳбатга аралашиб қолганлигимни билмабман. Аммо қаллоб дорифурушни инсофга, диёнатга келтиришнинг имкони бўлмади. Охири чол дорини у айтган нархда сотиб олишдан бошқа чораси қолмади.

Таъбим хира бўлди. Анча вақт ўзимга келолмадим: "Эҳ, ёшлар, ёшлар!.."

Ўқиш, ўрганиш, янгиликлар яратиш асосан сизнинг зиммангизга юклатилган муҳим талаблардан саналарди-ку. Сизлар бўлсангиз...

Ҳа, бир қисм замондошларимизнинг, айрим юртдошларимизнинг ҳаракатларини кузатиб лол қоламан. Негадир уларда бозорга интилиш кучли. Мўмай даромадга, бойликка ҳирс қўяётганликлари, олибсотарликка зўр бераётганликлари кишининг жиғига тегади.

Тўғри, Президентимизнинг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл очиб берди. Унда ички бозорни турли-туман истеъмол моллари билан тўлдириш ғояси илгари сурилган. Аммо бу айрим ёшларимиз ўйлагандек ўз нафсини ҳакалак оттириш, топган-тутганини ҳамёнга уриш, харидорларни жуда ноқулай аҳволга солиш дегани эмас.

Ҳалиги дорифурушга ўхшаб инсофини йўқотганлардан икки дунёда ҳам тадбиркор чиқмаса керак. Чунки одамлар дилини ранжитиб, 5-10 баравар қимматга сотиш эвазига топилган пуллар ҳеч қачон кишига буюрмаслиги аниқ.

Бозор даврининг ўзига хос талаблари, синов ва қийинчиликлари бўларкан. Тайёр маҳсулотни у ердан олиб, бу ерга ўзи хоҳлаган нархда сотиш билан мақсадга эришиб бўлмаслиги тобора равшан бўлиб бораётир. Бозор кўпроқ поклик, ҳалоллик, мурувват ва саховатпешаликни ёқтиради. Бунга амал қилиб, иш юритганлар ҳеч қачон эл-юрт назаридан қолишмайди. Аксинча, хайр-барака топишиб, бири-икки бўлади, обрўйига-обрў қўшилади.

Назаримда. ҳозирча, бизда қаллоблар, олибсотарлар кўп. Уларга қолса кеча-кундуз пул, даромад оқиб келса бас. Қимматчилик, йўқчилик туфайли бир бечоранинг тинкамадори қуриб, қовурғаси синиб кетмайдими?! Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам, деганларидек, бировларнинг (ҳаммамиз бир осмон остида яшаётган шу азим, келажаги буюк давлатнинг фуқароларимиз) тақдирига, яшаш тарзига бефарқ қараётган худбин, молу-давлатга ҳирс қўйган калтафаҳм кишилар минг афсуски орамизда камаётгани йўқ. Бундайлар бозор сари талпинаётган ёш-яланглар орасида талайгина.

Бир вақтлар биз фахр билан эъзоз қилган болалар — азиз фарзандларимиз ҳақида завқланиб гапирар эдик. Ҳозир-чи? Ҳозир баъзи бир тижоратчи ёшларни кўриб, анграйиб қоласиз. Ҳай-ҳай демаса, улар ўз падари бузрукворини ҳам оёқ учида кўрсатишдан қайтмайди. Ўтирса, турса ҳам нуқул фойда, пул, бизнес ҳақида фикр юритади.

Ўз фарзандларини асосан билим чўққиларини эгаллашга ундаган японлар (иккинчи жаҳон урушидан сўнг) жуда қисқа фурсатда дунёдаги энг бой, тараққий этган мамлакатлардан бирига айлангани ҳақиқат-ку. Ёхуд бугун Амриқо дунёга фақат тижорат туфайли танилган эмас. Уни ақлли, билимдон, одамлар дунёга машҳур қилдилар. Бундан чиқадиган хулосамиз шуки, биз ҳам ёшларимизга маънавий билимларни мукаммал ўргата олсак, аниқроғи ақлий тарбияни биринчи ўринга чиқиб олишини таъминласаккина мақсадга эриша оламиз.

Халқимизда эъзозли фарзанднинг қадди билан қадри ўсади, деган гап бор. Ўз қадрини билганлар эса Ватан, эл-юрт, миллатнинг қадрини юксакликка кўтаради, ҳалиги тижоратчилар ҳақида бундай фикрларни айтиш қийин.

Негадир хаёллар гирдобида қолгандек ҳис этаман ўзимни. Юсуф Хос Ҳожибнинг кенг тафаккури, Аҳмад Яссавийнинг ҳақ каломи, Жалолиддин Румий фалсафасидан, Имом Бухорий ўгитларидан хабардормикан бояги ўспиринлар. Наҳотки, улар шунчаки тирикчилик ташвишида елиб-югуришаётган манқуртларга айланган бўлсалар. Халқига, миллатига ишонч, ғамхўрлик туйғуси қани?! Усиз инсон қалби юксакликка кўтарила олмаслиги равшан-ку!

Ҳар биримиз шу халқнинг бир бўлаги сифатида унга муносиб бўлишга, қолаверса, эл хизматига, корига яраш туйғусини шакллантириш учун мустақилликни қўлга киритганимизни унутмайлик. Ахир, истиқлол қўрғонининг мустаҳкам пойдеворини яратиш осон эмаслиги равшан.

Одатда ёшларимизни эндигина бўй чўзаётган ниҳолларга қиёслаш мумкин. Уларни қайси томонга қайирсак, шу ёққа қараб ўсаверади. Тўғри, юртимизга т жоратчилар ҳам керак. Аммо фақат улар билан юрт мавқеи, обрўси ўлчанмаслиги бор ҳақиқат-ку. Такрор бўлса-да шуни бaралла айтгим келади: тижорат ҳеч қачон, ҳеч бир замонда инсон маънавий бойлигини юксалтира олмаган.

Ҳар қанча бўлмасин, бизга тижоратчилар билан бирга билимдон, зукко, иқтидорли, маърифатпарвар ёшлар керак. Чунки, айни шулар миллатимизнинг эртаси, фахр-ифтихори саналишади. Ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, элга ҳурмат, буюк алломаларимизга нисбатан фахр-ифтихор туйғусини жо қилсаккина, инсофли, диёнатли фарзандларимиз сафи кенгайиб бораверади. Бас, шундай экан, эртага енгил тин олишимиз учун, келажагимиз ишончли қўлларда бўлиши учун ҳозирдан бошлаб, жиддийроқ ишга киришмоғимиз шарт деб ўйлайман.

Менимча, катта-кичик, ёшқарининг нуқул тижоратга берилиб фаолият кўрсатишга интилиши вақтинчалик ҳолдир. Шунинг учун ҳам ҳадеб ўзимизни бозорга уравермайлик! Фарзандларимизнинг эртаси ҳақида жиддий қайғурсак, ўшандагина ҳозиргига нисбатан жамиятга, халқимизга кўпроқ фойдамиз тегади. Энди илгаригидек ёшлар — келажагимиз эмас, бугунимиз деб қарашни ўрганайлик.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**Бухоро вилояти.**

*Таажжуб*

# «ГАЗЕТА ЎҚИШ НОН ЕЙИШДЕК ГАП ЭДИ», —

## ДЕЙДИ ХЎЖАОБОДЛИК КЕКСА ОТАХОНЛАРДАН БИРИ

"Бундан пича олдин кундалик ҳаётимизни газета-журналларсиз тасаввур қилолмасдик.

Ҳозир-чи? Айрим нашрларга ёзилганмиз, бироқ ўқиб варақлашга..."

Бунга сабаб нима? Вақт йўқми? Тирикчилик ташвишларидан ортолмаяпмизми? Обуна бўлишга ёки сотиб олишга қурбимиз етмайдими? Газета-журналларимизнинг сифати пасайиб, ўқишга арзимай қолдимикан?

Шу каби саволларга анчадан бери жавоб излаб юрардим, лекин кекса бир муштарийимизнинг: "Илгарилари газета ўқиш мен учун нон ейишдай гап эди, қизим. Бир кун почта келмаса кечаси билан ухлолмай қийналиб чиқардим. Ҳозир ёзилган битта-иккита газетим ҳам камида 5-6 кундан сўнг қўлимга тегади. Аллақачон радио ва телевизор орқали хабардор бўлган янгиликларни "ҳайит ўтгач" ўқиш—суви қочган нонни чойга ботириб ейишдек бўлмайдими! Хафа бўлмагин-у, янаги йили биттаям газетингга ёзилмайман!" дея куйиниб айтган сўзлари менинг Андижон вилоят Хўжаобод тумани алоқа боғламасига боришимга сабаб бўлди.

Хўжаободда 12 алоқа бўлими бор ва уларда 60 нафар шу соҳа ходимлари меҳнат қилади.

Обуна бўлими йўриқчиси Қумрихон Мўминованинг маълумот беришича, бутун бошли туманда "Халқ сўзи"га 224 нафар, "Ўзбекистон овози"га 434 нафар, "Туркистон"га 308 нафар, "Хабар"га 59 нафар муштарий обуна бўлган, холос!

Бу рақамлар ҳам реал эмас. Негаки, ҳокимият, қишлоқ кенгашлари, жамоа ва давлат хўжаликлари, кутубхоналар, қўйингки, тумандаги барча етакчи ташкилот ва корхоналар марказий матбуот нашрларига ўз-ўзидан мажбурий обуна қилинади. Демак, юқорида тилга олинган газеталарнинг нари борса 70 фоизигина қишлоқ хонадонларига етиб боради. "Хабар"га алоқа ходимларининг ўзларигина обуна бўлишгани аниқ.

Суҳбат давомида қизиқиб, бош иқтисодчи Латифжон ака Тўқаевдан: "Нега "Хабар"га 59 киши обуна бўлган? Ахир сизларда 60 та штат бор экан-ку! Нима, бир киши ёзилишдан бош тортдими?"—дея сўрадим.

Шунда Латифжон ака кулиб: "Йўқ, ҳеч ким бош тортгани йўқ. Фақат шу йилнинг бошида иккита штатни бирлаштириб, бир кишига топширгандик. Шунинг учун бири кам бўлиб қолди,"—деди.

Ҳазил тариқасида бўлиб ўтган бу савол-жавоб бир қарашда кулгилидек туюлади. Аслида-чи! Бу гап бизнинг олдимизга наҳотки, республика алоқа вазирлигининг қабул қилаётган қарорлари, ўтказаётган тадбир ва кўрсатилаётган йўл-йўриқлар билан хўжаободлик зиёлиларнинг бирортаси ҳам қизиқмаса, деган муаммони кўндаланг қилиб қўяди.

Газета-журналларнинг обуначиларга ўз вақтида етиб бормаётганидан сўз очган эдим ҳамки, хонага икки йигит кириб келди.

Улардан бири—Жўрабек Ҳожиев—бўлим раҳбари суҳбатимизга қўшилди:

—Қандоқ ҳам етсин! Биз олиб келиш учун энди кетаяпмиз Андижонга. Соат 3 ларга қайтсак ҳам катта гап...

—Нега энди шунча кеч? Кутишга тўғри келадими?

—Йўқ. Биз вокзалда ҳамма нарсани вақтида қабул қилиб оламиз. Лекин мана қанча вақтдирки, махсус транспорт ажратилмай Андижон-Хўжаобод автобусида қатнашга тўғри келаяпти. Автобусларнинг қандай қатнаётганини кўраётгандирсиз? "Одамлар зўрға сиғаётганда қопга бало борми?" деб дашном эшитганларимизни айтмайсизми! Кеча шофёр юк учун деб тўполон қилиб 10 сўмимизни олиб қўйди...

—Нима, сизларга йўл ҳақи учун ҳам пул ажратишмайдими?

—Ажратишади. Командировичний деб ойлигимизнинг 10 фоизи миқдорида ҳар ойда пул беришади.

—Кечирасиз,маошингиз қанча?

—180 сўм.

Демак, бу йигитларга ҳафтада беш кун 40 килолик қопларни автобусма-автобус тортқилаб кўтариб келганликлари учун 18 сўм қўшимча ҳақ тўланаркан...

Кейин мен хат-хабарларнинг алоқа бўлимларига қандай етказилиши билан қизиқдим: почтальонларнинг ўзлари келиб олиб кетишаркан, бири йўловчи машинада, бири велосипедда, бири яёв... Хайриятки, ҳозир газета-журналлар илгаргидек кўп эмас... Бўлмаса, бу йигитларнинг аҳволига...

—Почтальонларга оёқ кийим, костюм-шим, куртка, телпак, велосипедлар берилиши ҳақида эшитгандим. Шу гап ростми?

—Рост. Лекин биз 1990 йилдан бу ёғига ҳали ҳеч нарса олмадик,—дейди Латифжон Тўқаев.

Бош иқтисодчига савол бераман:

—Сизларда қандай имтиёзлар бор ўзи?

—Бизнинг цехимиз, станогимиз бўлмаса, моддий бойлик яратмасак, қандоқ ҳам имтиёзимиз бўларди. Ёзган хатларимизни текинга жўнатворишимиз мумкин, холос...

Дарвоқе, бирор хонадон йўқки, унга почтачининг қадами етмаган бўлса. Қорни қор, ёмғирни ёмғир, иссиқни иссиқ демай эл ҳожатини чиқараётган беминнат хабарчиларнинг аҳволи эса мана бундай...

Хўжаободдан Андижонга бориб келиш учун нари борса 10 литр бензин кетади, келган хабарларни алоқа бўлимларига тарқатишга, эҳтимол яна 10-15 литр бензин керак бўлар... Демак, 25 литр бензин иқтисод қилиш учун шунча йигитларнинг қаддини эгиб, саратонда сарсон қилиш қулайроқ экан-да!

Очиғини айтсам, бу масала хусусида кимга мурожаат қилишга ҳайрон бўлиб турибман. Эҳтимол, бу муаммолар Хўжаобод тумани ҳокимиятининг ўзидаёқ ҳал бўлар, балки республика матбуот тарқатиш бошқармаси аралашар, бунисини билмадим...

Бугун шароитни рўкач қилиб, беписандлик билан маънавият булоғининг кўзига қум тўлдириб қўйсак, эртага нима бўлади?!

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**"Туркистон" мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: шуни айтиш керакки, республика матбуотни тарқатиш бошқармаси ҳар йилнинг бошида газета ва журналлар обунасидан тушган маблағдан йил мобайнида ўзларининг хизматларини қоплайдиган миқдордаги фоизни чегириб олиб қолишади. Бу дегани шу газета, журналнинг йил мобайнида ўз ўқувчисига етказилишига кафолатдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, республика матбуотни тарқатиш бошқармаси ўз ходимларига шароит яратиб бериш ҳақида жиддий ўйлаб кўришса бўлар эди.**



Дўппининг дўппидан фарқи бор. Халқимизда неча замонлар ўтибдики, Чуст дўппиларига қизиқиш катта. Бир неча асрки, чустлик чеварлар ҳунари авлоддан авлодга ўтиб сайқал топиб бормоқда. Улар ота-боболари касбининг муносиб давомчилари бўлиб келаётирлар.

**СУРАТДА: Чустнинг "Чевар" хиссадорлик жамияти чеварлари.**
**Ф. ҚУРБОНБОЕВ**
**(ЎзА) сурати.**

# ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

- **Ҳунарли хор бўлмас.**
- **Этикдўзнинг ҳам шогирдлари бор.**
- **Тўйга борсангиз, новвотли чой ичасиз.**

Шу йилнинг май ойида Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов "Халқ ҳунармандчилиги анъаналарини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилган эди. Ушбу қарор қадим ота-боболаримиздан қолган, бугунда унутилаёзган нодир касбларни қайта тиклашда муҳим қадам бўлди. Шаҳар ва қишлоқ жойларида бирор ҳунар ўрганиш, ҳаётга чуқур татбиқ этиш борасида "Устоз ва шогирд" услуби қарор топмоқда. Авлодларимиз яратган нафис ҳунармандчиликни ҳаётга қайтариш, бунинг учун касб сирларини ёшларга ўргатиш шу куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ёшларни иш билан таъминлаш, уларга қулай шароитларни яратиб бериш масалаларига эътибор кучаймоқда.

Халқимизда "Ҳунарли хор бўлмас" деган ажойиб нақл бор. Зеро, кўҳна Хоразм воҳаси неча юз асрлар ўз ҳунармандлари, қўли гул меъморлари ва уста санъаткорлари билан дунёга машҳур бўлган. Йиллар, даврлар силсиласида миллий анъаналарга, гўзал ҳунармандчилик касбларига эътибор камайди. Бугун уларнинг қадр топаётгани қувончлидир.

Фикримизнинг яққол далили сифатида Шовот туманидаги Карим Раҳимов номли жамоа хўжалигида қисқа муддатларда очилган этикдўзлик, палос ва гилам тўқиш, автомобилларни таъмирлаш цехларининг фаолияти билан танишайлик. Уларнинг ҳар бирида ўндан ортиқ йигит-қизлар фойдали меҳнат билан машғул бўлишмоқда. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси тобора юксалмоқда.

Жумабой Ҳайитбоев ота мерос касб этикдўзликнинг сир-асрорларини ёшларга қўлидан келганича ўргатяпти. Бугун у ўн нафар шогирднинг устози.

Қишлоқ йигитлари автомобилларни таъмирлаш ишига қизиқдилар. Бу цехда енгил автомобилларнинг шиналаридан тортиб то моторларигача қайта таъмирланмоқда. Бу йил ўрта мактабни тугатган уч-тўрт нафар йигит шу касб соҳиби бўлишга аҳд қилди.

Шомурод Саидовнинг хонадонида қандолатчилик маҳсулотларидан қанд, новвот тайёрланаётгани айни муддао бўлди. Ҳамқишлоқлар бу ширинликларни тўй-томошаларга буюртма бериб, сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу ерда аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Яқинларгача уларнинг аксарияти ишсиз эдилар. Хўжаликда ҳадемай консерва ва сут заводларининг ҳам иш бошлаши кўзда тутилган. Барча зарур асбоблар келтирилди. Уларнинг ҳар қайсисида камида 40-80 нафардан йигит-қиз иш билан таъминланади. Консерва заводида хўжаликнинг ўзида етиштирилган мева ва сабзавотлардан хилма-хил шарбат ва мурабболар, консервалар тайёрланади. Корхона йилига бир миллион шартли банка маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган.

Ишнинг кўзини билган хўжалик раҳбари Раҳимбой Йўлдошев заводларни очишдан мақсад қишлоқ иқтисодиётини кўтариш, бекор юрган ёшларни фойдали ишга жалб қилишдан иборат, дейди. Дарҳақиқат шундай, лекин 12 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган кичик хўжалик учун бу ишлар ҳали камлик қилади. Хўжалик шундай бир рўзғор бўлиши керакки, унда фақат ўзингни боқибгина қолмай, ортиқча маҳсулотларни четга чиқариш, айрибошлаш имкониятларига ҳам эга бўлиши зарур. Янгича иқтисодий шароитда яшашга, ишлашга ўрганиб бораётган жамоа хўжалиги меҳнаткашлари зиммаларидаги ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишаётгани сир эмас. Муҳими, қишлоққа саноатни келтириш, унинг барча имкониятларидан унумли фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифасилигини раисдан тортиб, оддий меҳнаткашгача яхши билишади. Ахир халқимиз иш билганга минг танга, дея бежиз айтмаган.

**Д. БЕКЖОНОВА,**
**"Туркистон"нинг Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири.**

*Ҳозирги ёшлар*

# ИШОНЧ— ҲАММАМИЗГА ҚАНОТ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида ёниб-куйиб айтган гаплари мамлакатнинг ҳар бир виждонли фарзандини ўйлантирмай қолмайди. Бу тарихий нутқ ҳар биримизнинг зиммамиздаги жавобгарлик ҳиссини оширибгина қолмай, ишга янгича тарзда ёндошиш масъулиятини ҳам тақозо этади.

Бугуннинг талаби оддий ва содда: виждонан ишлаш, ҳалол яшаш, фидойилик намунасини кўрсатиш лозим. Ватан ва истиқлол олдидаги бизнинг инсоний бурчимиз мана шундан иборат. Зеро, янгича дунёқараш шаклланмоқда, турмуш тарзимизга жиддий ислоҳотлар сингиб бормоқда. Бу ҳол ҳаётнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Ва ўз-ўзидан аёнки, бу нарса кўпроқ ёшларга таъсир этди.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамай сўнгги пайтда ёшларнинг турли ташвиш ва тақчилликлар олдида эсанкираб қолмасликларининг олдини олиш учун давлатимиз томонидан катта эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Мустақил республикамизда биринчи бўлиб "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Худди мана шу Қонун ўтиш даврини бошидан кечираётган, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқини қўллаб-қувватловчи асосий ҳужжат бўлди.

Бизнинг Навоий шаҳрида ҳам ҳоким қарорига асосан ёшлар ишларига доир кенгаш тузилди. Жамоатчилик асосида тузилган бу кенгаш иши самарасини эса вақт кўрсатади.

Ёшлик ҳаётнинг энг гуллаб, куч ва ғайратга тўлган палласи ҳисобланади. Ҳамма энг улуғ, энг эзгу, тарихий аҳамиятга эга бўлган ишлар ёшлик шижоати билан амалга оширилиши ҳеч кимга сир эмас.

Бизнинг навқирон, гўзал шаҳримиз Навоийни ҳам ёшлик ва ёшлар шаҳри дейиш мумкин. Ўтган йили сентябрь ойида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ташаббуси билан Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси қайта тузилди.

Ўтган давр мобайнида шаҳримизда 28 та бошланғич ташкилот тузилди. Булар — "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли уй-жой-коммунал бошқармасида, нотўқима моллар фабрикасида, пахта тозалаш заводида, Тошкент Давлат техника дорилфунунининг Навоий филиалида, Навоий педагогика институтида, ҳунар-техника билим юртларида, барча ўрта мактабларда, хусусийлаштириш бошқармалари ва қатор ташкилотларда бўлиб, ўз сафига 7 мингга яқин ёшларни бирлаштирган. Бу аъзолар сони Навоий шаҳри ташкилоти учун етарли, албатта. Демак, ёшларнинг сафимизга, ташкилотимизга қўшилиши учун улар ишончини қозонишимиз зарур.

Йирик корхоналардан саналган Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий цемент, электрокимё ҳамда машинасозлик заводларида ҳанузгача бошланғич ташкилотларнинг тузилмаганлиги бизнинг камчилигимиз албатта.

Навоийни ёшлар шаҳри дедик. Ҳақиқатан ҳам шаҳарда ўтказилаётган турли тадбирларда ёшларнинг нафаси яққол сезилиб туради. Масалан, "Фарҳод" маданият саройи ходимлари билан ўтказилган "Таниш кечалари", "Тунги ёғду", "Шарман шоу" каби қизиқарли тадбирлар ана шулар жумласидандир. Яқиндагина шаҳримизда ўтказилган "Тонг юлдузи" кўрик танлови орамизда қанча-қанча истеъдодли йигит-қизлар борлигидан далолат бериб турибди. Бундан ташқари турли хил учрашувлар, шоир, ёзувчилар билан суҳбатлар ҳам ёшларимизнинг камол топишларида ўзининг ижобий самарасини беряпти.

Ёшлар ўртасида олиб борилаётган самарали ишлардан бири улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишдан иборат. Бу борада шаҳар прокуратураси, суд ва ички ишлар бўлими билан биргаликда анча-мунча ишлар қилинди. Тошкент Давлат техника дорилфунунининг Навоий филиалида, қурилиш, лицейида, 2,- 10-, 11-мактабларда ўтказилган профилактика ишлари бўйича учрашувларнинг барчаси жиноятчиликнинг олдини олишда ўз самарасини кўрсатиши табиий.

Кейинги пайтларда балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси билан узвий алоқалар ўрнатилиб, кўпгина мактабларда ўқувчи ёшлар билан учрашувлар ўтказилди. Бу борада бизга яқиндан ёрдам кўрсатаётган милиция катта лейтенантлари Ҳасан Жўраев, Муҳиддин Жўраевларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Қилинажак ишларимиз ҳали жуда кўп. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи XXVI курултойи қарорларини бажариш учун олдимизда катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш учун доимий ҳамкорлик ва тинимсиз изланиш лозимлигини унутмаслигимиз керак. Бу борада қўмитамиз ўз тадбирлари ва режаларига эга.

Қурултой олдимизга қўйган вазифаларни бажариш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шундай экан, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи XXVI курултойи шиорига айланган Президентимизнинг "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!" деган сўзларига муносиб бўлиб, мустақил Ватанимизнинг равнақи, порлоқ келажаги учун меҳнатимиз ва куч-ғайратимизни аямайлик. Зеро, келажакка ишонч ҳаммамизга қанот бўлсин!

**Шавкат МУҲАММАДИЕВ,**
**Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий шаҳар қўмитасининг биринчи котиби**

